



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

20 март, чоршанба, 1996 йил
Сотуvida эркин нархда. № 56 (1309)

ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА

БИРЖА МАРКАЗИ БИЛАН ТАНИШУВ

РАСМИЙ ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти Ле Дик Аннинг тақдирга буюртма шуну йил 27-29 март кунлари Вьетнам Социалистик Республикаси расмий ташриф буюради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

И. ЮСУПОВНИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА
Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 (12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ Искандар Юсупови Хоразм вилоятининг ҳокими этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
1996 йил 19 март

МЕХНАТ МУҲОФАΖАСИГА БАҒИШЛАДИ

Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси кенгаши раёсатининг мажлиси бўлиди. Унда Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни қандай бажариладигани ҳақидаги масала муҳоказма этилди. Мажлисада мазкур қонун қабул қилингандан кейин мамлакатимизда меҳнатни муҳофаза этиш муқамал тизими шакллани бошлагани, меҳнат муҳофазаси устидан давлат назоратини амалга оширувчи хизматлар вужудга келгани тасдиқланди.

ТАЛАБАЛАР САҲНАСИДА

Наврў арасидаги Тошкент жаҳон иқтисодий ва дипломатиясини университетининг «Дипломат» ташаббуси тағрида Амр Темур ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи саҳна томошаси намойиш этилди. Саҳнада ташаббус билан бирга Ўзбекистон халқ артисти Тези Муҳомед қатнашди ва соҳибқирон роҳини ижро этди. Томоша сўнгидан Ўзбекистон Халқ шоири Абдулал Орипов Амр Темур ҳақида ёган шэърларини Наврў байрами билан табриқлаб, ушбу йилда ЮНЕСКО қарори билан қўллана мамлакатларда Амр Темур тавалудининг 660 йиллик муносабати билан тантанали тадбирлар ўтказилишини тасдиқлади.

ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРАЛИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикасининг ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов 19 март кунин мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Хиндистан Республикасининг ташқи ишлар вазири Прадип Мукерजी билан учрашди. Учрашувда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳоказма этилди. Музоқарада, шунингдек, минтақадagi бугунги яқин ҳам муҳоказма қилинди. Унда минтақда тиричилик ва барқарорликни сақлаш борасида кучларни ўзаро бирлаштириш ҳақида фикр билдирилди. (ЎА).



СУРАТДА: мажлис пайти. Р. Нуриддинов (ЎЗА) тасвирга олган.

19 март кунин Тошкентда Президент Ислам Каримов раислигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислохотлар, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгашнинг мажлиси бўлиди. Кун тартибига иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, бозор муносабатларига изчиллик билан ўтишга доир долзарб масалалар қўйилган эди. Бу масалаларни муҳоказма қилиш учун бир қанча вазирликлар, идоралар, корпорациялар, бирлашма ва уюшмалар, бошқа ишбилармонлар доираларининг, банклар, илмий муассасалар ҳамда олий ва ўрта таълим махсус таълим тизимининг раҳбарлари таълиф этилди.

Кенгаш қимматли қозғолар бозорини шакллантириш ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги масалани муҳоказма қилиди, Республика Бош вазирининг ўринбосари, Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В. Чжен ахборот берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўтган йили чиқарган «Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В. Чжен ахборот берди. Мажлисте Бош вазирнинг ўринбосари А. Абдуқодиров, Олий Мажлис Иқтисодий ислохот ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасининг раиси А. Йўлдошев, «Эзу корпорация» ижрочи директори ҳамда Марказий Осие бўйича президенти Чонг Хи Чу Европа қайта тиклаш ва тараққиёт банкининг Ўзбекистондаги вакили Исао Каваниши, «Ўзбэк А. Ж.» Ўзбекистон — Британия корхонасининг бош директори Жим Роланд-Риз ва бошқалар иштирок этишди.

Идоралараро кенгаш мулкни пайларин жорий этиш ва қишлоқ мулкдорлар синфини шакллантириш асосида қишлоқ хўжалик корхоналарини қайта ташкил этиш тўғрисидаги масалани муҳоказма қилиш бўлиди. Мажлисте Бош вазирнинг ўринбосари Р. Гиниятуллин ва Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг президенти вазирининг бакарувичи С. Усмонов ахборот берди.

Мажлисте Бош вазирнинг ўринбосари У. Султонов Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги иқтисодий ислохот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгаш тарихига ўзгаришлар киритиш тўғрисида ахборот берди.

Идоралараро кенгаш мажлиси иштирокчилари республикада иқтисодий таълимни ташкил этишни тақомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги масалани ҳам қўриб чиқишди.

Республикада бозор иқтисодиёти шаклланиётган, республика жаҳон хўжалик муносабатларининг тенг ҳуқуқли субъектига айланиётган даврга иқтисодий соҳасидagi кадрларни тайёрлаш тизимининг самарадорлиги ҳамда бугун аҳолининг умумий иқтисодий маданиятини ошириш алоҳида аҳамиятга эга бўлади, деб таъкидланди мажлиста. Республика ҳукумати қўшиб-қақолатган мутахассисларни қўриб чиқиш ва таълим олишга қўллаб-қувватлаш бўлиб, мажлис асосий йўналишларини қўриб чиқишди.

Мажлисте Республика Бош вазирини, Кенгаш Раисининг ўринбосари У. Султонов Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги иқтисодий ислохот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идоралараро кенгаш тарихига ўзгаришлар киритиш тўғрисида ахборот берди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 19 март кунин Наврў байрами арафасида қўриб чиқарилган республика Биржа марказини бошқариш бўлимига ташриф буюрди. Пойтахтимиз марказидagi мазкур муҳташам бино давлат филармониясининг «сонет» зали ўрнида қўриб чиқарилиши билан янгидан қўриб чиқарилиди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисини иқтисодий муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида:

1. 1996 йил 1 апрелдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг ҳудудда:
- иш ҳақининг энг оз миқдори — ойига 400 сўм;
- Меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори — ойига 900 сўм;
- Фуқароларнинг солиққа тортилмайдиган даромади энг оз миқдори — ойига 550 сўм;
- Ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нуллини) разряднинг энг оз миқдори — ойига 550 сўм миқдоридан белгилансин.

2. 1996 йилнинг 1 апрелдан бюджет муассасалари ва ташкилотларини ходимларининг иш ҳақи, барча турдаги пенсиялар, олий ўқув юрталари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника билим юрталари ўқувчилари стипендияларининг миқдорларини ўрта ҳисобда 1,4 баравар оширилсин.

3. 1996 йил 1 апрелдан қўйилганлар белгилансин:

- болалиқдан ногиронлар учун нафақалар миқдори ойига 900 сўм;
- зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар учун нафақалар миқдори ойига 550 сўм.

4. Иш ҳақидаги астама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, болалиқ оилаларга нафақалар ҳамда энг оз иш ҳақида нисбатан белгиланган бошқа тўловлар ушбу фармонда қўрсатилган энг оз иш ҳақи миқдори асосида 1996 йил 1 апрелдан бошлаб амалга оширилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий таълимнинг вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, бюджетдан пул билан таъминланган вазирликлар, идоралар, Қўрақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, ташкилотлар ва муассасалар мазкур фармон билан белгиланган иш ҳақи қўйиштирилишини таъминлансинлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

МЕХНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЯҒОНА ТАРИФ СЕТКАСINI ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шарафларида иш ҳақининг рағбатлантирувчи аҳамиятини ошириш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг меҳнатнинг мураккаблигига ва ҳодимларнинг малакасида болелигини кўнатириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси тасдиқлансин. Бошланғич разряднинг 550 сўм миқдоридagi тариф сеткаси ягона тариф сеткаси асоси қилиб олинсин.
2. Қўшимча ҳақ ва устамаларнинг амалдаги тизими, шунингдек, ҳодимлар иш ҳақига қўйилган рағбат коэффициентидаги сўмлаб қилинсин.
3. Болелик бўлишини, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини қўллаш буюқдотдан маблаг таъминланган барча муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.
4. Ходимларнинг тариф-малака разрядларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси асосида белгилансин ўз молиявий фаолиятини хўжалик хисоби асосида амалга оширувчи барча давлат ва давлат-ақционерлик корхоналари ва ташкилотлари учун мажбурий хисоблансин.
5. Мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ҳодимларнинг тариф-малака разрядларини ягона тариф сеткаси асосида белгилансин таъсис этилсин.
6. Вазирликлар, идоралар, корпорациялар, уюшмалар, бирлашмалар, Меҳнат вазирлиги билан келишган ҳолда, бюджетдан маблаг билан таъминланган ягона муассасалар ва ташкилотлар эса Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳам келишган ҳолда икки ҳафта мuddатда раҳбар ҳодимлар, мутахассислар ва хизматчиларнинг амалдаги тариф-сеткаси тизимини қайта қўриб чиқсинлар ва меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси талабларига мувофиқ янги тариф сеткасини тасдиқласинлар.
7. Меҳнат вазирлиги Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тариф-малака маълумотномаларида ўз аксини топмаган ишлар ва касблар (лавозимлар) ягона тариф сеткасининг тегишли касб-лавозимлари разрядларига, тенглаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
Тошкент шаҳри,
1996 йил 18 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ «МЕХНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШНИНГ ЯҒОНА ТАРИФ СЕТКАСINI ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИГА ШАРҲ

Ошмаганнинг фаровонлигини ошириш, аҳолини ишончли иқтисодий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида давлатимиз бошчилиги ва ҳукуматнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори бунинг далилидир.

Президент Фармони билан 1996 йил 1 апрелдан бошлаб энг кам иш ҳақи миқдори 250 сўмдан 400 сўмгача оширилмоқда, бунда бюджет муассасалари ва ташкилотларнинг ходимлари иш ҳақини ўртача 1,4 баравар ошириш мўлжалланмоқда.

Шунингдек, барча турдаги пенсиялар, олий ўқув юрталари талабалари, техниклар ва ҳунар-техника билим юрталари ўқувчилари стипендияларининг ўртача миқдори 1,4 баравар оширилмоқда.

Фуқароларнинг солиқ солилмайдиган даромади миқдори ҳам ойига 400 сўмдан 550 сўмга оширилиши таъкидлансин.

Аҳолини иқтисодий ҳимоя қилиш соҳасида қўриб чиқиш учун янги пул маблағларига ва меҳнатга қобилиятсиз фуқароларга берилмайдиган нафақа миқдори 400 сўмдан 550 сўмгача қўйилди. Олий ўқув юрталари талабалари стипендиялари ўртача 560 сўмдан 790 сўмгача, техниклар ва коллежаларнинг ўқувчилари стипендиялари эса 530 сўмдан 750 сўмгача ошди.

Ушбу келатган аҳолини тарбиялаш билан боғлиқ тўловлар миқдорини ошмоқда. Масалан, бола 2 йилга туғилган қалар уни парвариш қилиш учун оналарга берилмайдиган нафақаси 250 сўмдан 600 сўмга оширилсин, 16 ёшгача бўлган болалар бо оналарга берилмайдиган нафақалар миқдори 2,2 баравар ошган ва 400 сўмга таъкид этилди.

Иш ҳақи ошини билан бир вақтда фуқароларнинг солиқ солилмайдиган даромади миқдори ҳам ойига 400 сўмдан 550 сўмга оширилсин.

Айни вақтда шунингдек зарурки, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шарафларида ҳар бир ҳодим ва унинг оқибатининг фаровонлигини биринчи навбатда уларнинг меҳнат фаолиятини, ўз малакасини ва касб тарғибларининг оширишга, меҳнат фаолиятининг янги, янгида мураккаб уюшмаларни ўзлаштиришга иштироки билан белгилансин.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг 22 разрядига асосланган янги ягона тариф сеткаси иш ҳақини рағбатлантирувчи аҳамиятини кўнатиришга, қокори умумий малакаси меҳнатга уйланиши йўналиштирилган. Ягона тариф сеткаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ 1996 йил 1 апрелдан бошлаб амалга қўйилсин.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси тасдиқлансин. Бошланғич разряднинг 550 сўм миқдоридagi тариф сеткаси ягона тариф сеткаси асоси қилиб олинсин. Қўшимча ҳақ ва устамаларнинг амалдаги тизими, шунингдек, ҳодимлар иш ҳақида қўйилган рағбат коэффициентидаги сўмлаб қилинсин. Болелик бўлишини, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини қўллаш буюқдотдан маблаг таъминланган барча муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир. Ходимларнинг тариф-малака разрядларини меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткаси асосида белгилансин ўз молиявий фаолиятини хўжалик хисоби асосида амалга оширувчи барча давлат ва давлат-ақционерлик корхоналари ва ташкилотлари учун мажбурий хисоблансин. Мулкчиликнинг бошқа шаклларидаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда ҳодимларнинг тариф-малака разрядларини ягона тариф сеткаси асосида белгилансин таъсис этилсин. Меҳнат вазирлиги Молия вазирлиги билан келишган ҳолда тариф-малака маълумотномаларида ўз аксини топмаган ишлар ва касблар (лавозимлар) ягона тариф сеткасининг тегишли касб-лавозимлари разрядларига, тенглаштирилсин.

Муносабат

КОММУНИСТЛАРНИНГ ТАЛВАСАСИ БУ

Россия Давлат Думасининг Совет Иттифоқини қайта тиклаш ҳақидаги қарори жамоатчиликнинг эътирозига сабаб бўлмақда. Тахририятимизга республикамиз ишлаб чиқаришнинг турли жабдаларида меҳнат қилаётган кишилардан ушбу қарор хусусида хат-хабарлар келиб турибди. Қуйида ана шулардан айримлари билан танишасиз.

ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИ

Россиядаги бу «интиқ»ларни эски тузумни қўқсашдан ўзгача баҳолаб бўлмайди. Коммунистлар ўтти даври қийинчиликларини фойдаланиб, ўз «позиция»ларини янада мустаҳкамламоқчи, Президентликка бўлганидан сайловларга замин яратмоқчи бўлишарми.

МАНТИҚҚА ТЎҒРИ КЕЛМАЙДИ

Россия Думаси қабул қилган қарор кўпчиликнинг нафратини кўзатишти. Хўш, бу ҳужжат қанчалик ҳуқуқий асосга эга, деган ҳақи ҳавол пайдо бўлади. Соёқ Иттифок алдақаноқ парчаланиб кетган, унинг

ўрнида мустақил мамлакатлар пайдо бўлган, уларни эса юздан зиёд мамлакатлар тан олган ҳамда БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган ҳолда Россия Думасининг мазкур қарори ўзбекистон ёки бошқа мустақил мамлакатларга дахлдор ёки дахлдор эмаслиги ҳақида ўйлашнинг ўзи мантиқсизлик эмасми? Россия Федерацияси парламенти куйи палатаси ҳисобланган Давлат Думаси томонидан қабул қилинган мазкур қарор Россиянинг ҳозирги мавжуд қонунчилигига бутунлай зиддир. Негаки, бунга соғлом фикрли россияликлар, шу жумладан мамлакат Президенти Б. Ельцин ҳам ботбот таъкидламоқда.

бу ҳаракатларни эски тузумни қўқсашдан бир гуруҳ коммунист ва шовинистларнинг сунгги талвасаси, деб ҳисоблайман. Қўлиб АЛМАДАТОВ, Тошкент давлат юридик институтининг ўқитувчиси. МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА АҲД ҚИЛГАНМИЗ Россия Федерацияси Давлат думасининг «СССРни қайта тиклаш тўғрисида»ги қарорини ўқиб, ростки гоят газабландим. Шунда беихтиёр Президентимизнинг россиялик журналистлар билан учрашув чоғида улардан бирининг саволига берган ушбу жавоби ёдимга тушди: «... Ўзбекистонда коммунистлар партияси тепасида қимилар турган? У эрда биронта ўзбек бўлганми? ТуркЦИК тепасида қимилар турган? У одамларнинг барчасини бу ерда Ленин юборган эли-ку. Улар... агар одамларнинг бирон-бир миллий томони намоян бўлса, уларни отиб ташлашган. Ингирманчи йилларда «босмачилик» учун таъкиб қилишган, 37-йилда бутун раҳбариятни тўлиқ тутатишган. 1983 йилда Рашидов вафот этганидан кейин... «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» никоби остида Ўзбеки-

стонда жуда кўп одам қамалган экан, айтинглар-чи, шуларнинг барчасидан кейин бу масалаларга бизнинг муносабатимиз қандай бўлиши мумкин?.. Бизда миллий коммунистик партия тузиш учун ижтимоий замин, мен ҳатто миллий замин деган бўлардим, бундай замин йўқ. Бизда Зюганов ва Шейнинлар олиб келган партия бўлмайди». Мен, яъни бутун умрини қурувчи-бунёдкорлик касбига бағишлаган ишчи сифатида бу фикрларни тўлиқ қўлаб-қуватлаган ҳолда яна қуйидагиларни қўшмача қилмоқчиман: Ўзбекистон СССР даврида унинг таркибидан хомашё етказиб берувчи республика бўлиб қолгани ҳаммага аён. Бутун шундай вазиятни қайта вуқудга келтиришни қўқсаган жаноблар эса мулқо адашдилар. Чунки Ўзбекистон, мана тўрт йилдики, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида жаҳон ҳамжамиятига қўшилишга ҳаракат қилмоқда. Мамлакатимизда босқичма-босқич, изчиллик билан амалга оширилатган ислохотлар эса ўз самарасини бераёттир. Мени, айниқса, мустақиллик йилларида нафақат республикамиз пойтахти, балки барча вилоят ва туманларда барпо этилган йирик саноат қорхоналари, маҳобатли бинолар, кўчалар, кўприклар, гузарлар ва савдо расталари ҳайратга солади. Буларнинг ҳаммаси истиқлол нёъматларидир. Шу муносабат билан мен ишонч билан айтманки, биз, ўзбекистонликлар соёқ СССРнинг қайта қилганини асло истамаймиз. Биз, юртовшимиз таъкидлагандаридек, элим деб, юртим деб ёниб яшашга, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга қатъий аҳд этганмиз.

«ИСЛОМ КАРИМОВ – ЯНГИ ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИ» КИТОБИ БИЛАН ТАНИШТИРИШ МАРОСИМИ

Яқинда Австрияда бир йўла уч тилда — инглиз, немис, рус тилларида нашр этилган «ИСЛОМ КАРИМОВ — ЯНГИ ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИ» китоби билан таништириш маросими бўлиб ўтди. Китоб муаллифлари ҳақида бир неча сўз. Леонид Левитин — ҳозирги пайтда ГФРда яшайдиган таниқли ҳуқуқшунос олим. Профессор Дональд Карлайл БМТ маслаҳатчиси, Марказий Осиё бўйича таниқли мутахассислардан бири, Ўзбекистон тарихи, унинг ҳозирги пайтдаги сиёсий ҳаётига доир кўпчиликка маълум бўлган тадқиқотларнинг муаллифидир.

Китобда ҳаммага маълум фактлар билан бир қаторда китобхон биринчи марта дуч келадиган маълумотлар ҳам бор. Унда узок ўтмишдаги, шунингдек, сунгги йиллардаги воқеалар ҳам санаб ўтилди. Илмий таҳлиллар билан бирга субъектив баҳолаш келтирилади, Ислам Каримов образи мураккаб ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни муваффақият билан амалга ошириётган ислохотчи Президент, мамлакат тарихининг бурилиш босқичида халқни жи-п-паштирган Президент сифатида тасвирланади.

Бирок, асар муаллифлари чуқур тадқиқотларга берилиб кетиб, сиёсат ва давлат арбоби тарихида ҳали жанри доирасидан беихтиёр четга чиқмади. Улар хилма-хил ва катта ҳажмдаги материаллардан фойдаланиб, аслида илмий рисола яратган. Бу китобни кўпчилик ҳозирги Ўзбекистон тарихи, XX асрнинг охиридаги бурилиш даврида мамлакатимиз тарқиққитининг босқичлари тўғрисидаги китоб деб баҳоламоқда.

Китоб билан таништириш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Вячеслав Голишев, Ўзбекистоннинг Германиядаги Факултода ва Мухтор элчиси Алишер Шайхов ва Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси раиси Рустам Шугуломов иштирок этдилар.



Балиқчи туманида қурилиш ишларида алоҳида эътибор берилмоқда. Шу сабаб туман маркази ва қишлоқлар обод ва кўркамлашмоқда. Айтиш мумкин бўлади, туманда болалар босқичлари, мактаблар қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилаётган. Бу ишларни бажаришда тумандаги 109-хўжалиқларро механизациялашган кўча колонна ҳам фолли иштирок этилмоқда.

ШАРТНОМА ЯРАТГАН ҚУЛАЙЛИК

олди. Унга етказиб берилган дон қўймагининг 40 фоизи пул, уруғлик ва ем сифатида берилди. Қорхона билан шартнома тузган 17 нафар фермер ҳам Қ. Душамов каби янги ҳосил еттиштиришга қўнғили тўқ бўлиб қиришди.

ҚИММАТБАҲО ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ

яни турдаги давлат қимматбаҳо қоғозларини чиқариш гоёси туғилмоқда. Бу ўзининг мазмунини жаҳатидан узок муддатли давлат кредитининг бир тури бўлиб, афзаллиги беришчида зугум ўтказиш ёки уларга қандайдир иқтисодий имтиёз бериш имкониятлари йўли тўсилади.

«АФРОСИЁБ» ИШГА ТУШДИ

Қадимий ва наққор Самарқанд шахри жамоатчилиги қутлуг Наврўз байрами арафасида қувончи воқеанинг гувоҳи бўлди. Бу ерда жаҳон андозлари талабига жавоб берадиган янги туристик меҳмонхона қуриб фойдаланишга топширилди. Унга «Афросиёб» номи берилди. Бу қадимий шаҳарда жаҳон меъморчилигининг сунгги ютуқлари асосида бунёд этилган биринчи меҳмонхонадир. Маълумки, Самарқандда жаҳон аҳамиятига моллик тарихий обидлар кўп. Аммо шу пайтга қадар туристик инфраструктура, хизмат кўрсатиш даражаси талабига жавоб беролмай келди. Шу сабабли республикамиз ҳукумати сайёҳликни ривожлантириш соҳасидаги ишларга катта эътибор бераёттир. 500 нафар туристга мулкдорликни ҳақсизлик билан «Афросиёб» меҳмонхонасининг ишга туширилиши бу фамқўрликнинг бир далилидир. Албатта, ҳали шаҳарни тон манаода сайёҳлик марказига айлантириш учун анча саъй-ҳаракат тақозо этилади. Шу сабабли Самарқанд замирида бундай бинолар қўлаб қурилиши мумкин. Қолаверса, республика Президенти Фармонига биноан Самарқанднинг туризм учун очик шаҳар деб эълон қилиниши, 1994 йил 5 октябрда Регистон майдонида Бутунжаҳон туристлар ташкилотининг бош котиби жаноб Антонио Савиньяк томонидан имзоланган «Буёқ Ипак йўли» туризмни ривожлантириш бўйича Самарқанд декларацияси» бу соҳада катта имкониятлар яратди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қўшидаги Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржалари давлат комиссияси раисининг ўринбосари А. РАСУЛОВ билан мулоқот

— Анвар Ҳамидович, аввало, 1995 йилда республикамизда қимматбаҳо қоғозлар бозори соҳасида қандай натижаларга эришилгани ҳақида қисқача гапириб берсангиз. — Ҳа, бу борадаги ишларимиз салмоқли. Савдо-сотиқ ҳажми фақат бир йилда қирқ баравар ўсди. «Тошкент» республика фонд биржаси бўлимлари ва брокерлик идоралари тармоқлари кенгайтиди, кадрлар малакаси ошди, депозиторлик хизмати фаолияти яхшиланди. Бу, асосан, ўзимиз ишлаб чиққан ислохот моделининг самараси бўлиб, у нафақат республиканинг ички эҳтиёжлари ва ўзига хос жиҳатлари, балки иқтисодиётнинг танглик ва турғунлик ҳолатларини бартараф эттиришни жаҳон тажрибасини илмий қайта англаш асосида шаклланди. Ва, албатта, биз қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантириш бўйича жаҳон тажрибасини янада чуқурроқ ўрганамиз. Шу мақсадда яқинда давлат ҳокимияти органлари ҳамда бозор тизимининг бир гуруҳ раҳбар ходимлари Японияда бўлди.

«Йўлимизнинг жаҳон йўналишига мослиги Япония мисолида ҳам кўринди»

механизмларнинг роли каби қатор муҳим масалалар ўрганилди. — Машгулот ишидан қандай хулоса чиқармоқ керак, деб ўйлайсиз? — Асосий хулоса шунки, Ўзбекистонда қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантириш, ривожлантириш ва давлат томонидан тартибга солиш стратегияси ҳамда унинг инфраструктураси гоят тўғри на оқилонадир. Ўзбек фонд бозорини ривожлантиришнинг йўли жаҳон йўналишига мосдир. Тўғри, бизнинг фонд бозоримизнинг айрим қамчиликлари ва албатта, афзалликлари ҳам бор. Чунки, биздаги депозитор хизмат даражаси японларникига яқин, деган фикр юрарди. Аммо бизнинг қамчиликларимиздан бири қимматбаҳо қоғозлар чиқариш бораида бирмунча ортда қолганимиздир. Японияда уларнинг бир неча йиллаб хили чиқарилади. Бундан мақсад — давлат бюджетидagi камомалини тўлдириб ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун маблағ тўплаш. Шу муносабат билан бизда

«Йўлимизнинг жаҳон йўналишига мослиги Япония мисолида ҳам кўринди»

қимматбаҳо қоғозларини чиқариш ва япон бозорларига жойлаштириш, бизда қимматбаҳо қоғозлар бозорининг ривожланган инфраструктурасини шакллантириш, шундай бозорлар мутахассисларини тайёрлаш, Ўзбекистоннинг халқро фонд биржалари, дилер ва депозитарий ташкилотларига кириши масалалари муҳокима қилинди. — Сабингиз нухтан назардан Сизни кўпроқ нима қизиқтирди? — Иштирокчиларнинг юксак касб маҳоратлари ва биржа операцияларининг ўта оқилона тартибга солиниши менни ҳайратга солади. Япония ўз калдарини билан мулоқот тартибга келган. Токио фонд биржаси ҳам бундан мустасно эмас. Зеро, бу ерда энг оддий иқтидорларга ҳам ҳисобга олинган, ёши ва қайси қатламга мансублигидан қатъий назар, ҳамма ўқитилади. Видеотехника ва гоголарифик тасвирлардан фойдаланиладиган махсус синфлар ишлаб турилиши, натижада, биржа операцияларининг «сир»лари ҳатто мактаб ўқув-

ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Table with exchange rates for various currencies. Includes columns for currency names and rates.

М. МУҚИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Абдусамат Йўлдошев сўхбатлашди.

«Халқ сўзи» мухбири Абдусамат Йўлдошев сўхбатлашди.



СУМАЛАК СУЗИНГ, ОНА!

Байрамлар байрами — Наврўз мазасига дуо кетган, шифобахи ва қадимий таом сумалак билан суякли ҳамдир. Сумалак ҳақида кўнгина ривоятлар бор. Улардан бири шундай:

Қадимда очарчиликдан одамлар азият чекишар, Аллоҳдан тўқчилик сўраб оҳнола қилишар экан. Бир бе-ва аёлнинг болалари: «Оч-миз, нон, овқат беринг», дея оналарини ҳол жонига қўйишмабди. Бечора она нима қиларини билмай супрасини қоқса ярим ҳовуч ун чиқибди. Ёр идишдан бир қошиқ мойни сидириб олибди. Сўнг топганини қозонга ташлабди. Болаларим таомни дарров ёб қўйишди, агар овқатга тош қўйсам, балки тошларни ялаб овунишар дея тўз ўрнига овқатга тош солибди. Сўнг худодан тўқчилик сўраб, мазали таом — сумалак тайёр бўлган экан. Сумалак — кўпчилик тайёрлаб, бирга баҳам кўриладиган таомдир. Аслида сумалакни тайёрлашнинг ўзи бир байрам. Аиниқса, бола-

лар учун. Беғубор болаликнинг гардиз дамлари кечган қишлоғимизда момолар ва қиз-жувонлар Наврўз байрами арафасида ва ундан кейин дошқозонларда сумалак пиширишар эди. Бундай пайтларда ҳеч ким четда қараб турмас: болалар тош териб келишар, эркаклар ўтин ёришар, қиз-жувонлар эса момоларга қарашар эдилар. Ҳар ким ўз тегишдаги вазифасини адо этганидан сўнг эркаклар бири чеккада базм қилиб гурунлашиб ўтиришар, болалар эса оналари бутун тергамаётганликларидан хурсанд бўлишиб, чарчаб уйқута кетунларича мазза қилиб, яйраб уйнашарди. Момолар эса ёш хотин-қизларга Наврўз, сумалак, ҳаё-иба, алоб-ахлоқ ҳақида сўзлашиб, уларни ҳалольликка, покликка ундашарди. Бундайн маънили, ширин сўзбатлар сумалак пишгунга қалар, яъни тонтгача давом этарди. Тонтгача ширингина ухлаётган болакаини онаси оҳиста уйғотарди. Эринибгина кўзини очган болага во-



«НАВРЎЗ» ЭШИК ҚОҚМОҚДА!

Йилнинг тансиқ таоми



«Соҳларим толим-толим...» Т. Ҳамроқулов сурат-лаҳаси.

ЮЛДУЗЛАР КЎЗИДАН ТЎКИБ ЭРТАКЛАР

Тоғларнинг бағрида қори бўлса ҳам, Аёлнинг айтмажак зори бўлса ҳам, Қаргаларнинг ҳали қори бўлса ҳам, Қишни бешигига белади баҳор. Наврўзни етаклаб келади баҳор.

Дарахтлар шоҳида кулар куртаклар, Гулчалар лаб очар, гулгуи тилаклар. Юлдузлар кўздан тўкиб эртаклар, Қўшининг юзини силади баҳор, Наврўзни етаклаб келади баҳор.

Севгининг муборак садоси бўлиб, Булбулининг айтмажак навоси бўлиб, Ошиқ юракларнинг гадоси бўлиб, Туташган кўзларда кулади баҳор, Наврўзни етаклаб келади баҳор.

Тўғларин майса ўнган тулпорлар, Ой юзидан орзу терар бедорлар, Кокил ташлар мажнунтолар, дилдорлар, Ирмоқлар торини чалади баҳор, Наврўзни етаклаб келади баҳор.


Сумалак сўрса ким момоларидан, Гуллар тўқилади дуоларидан, Қарз олиб қизларнинг иболаридан, Йигитлар умриги тилади баҳор, Наврўзни етаклаб келади баҳор.

Қайтган қалдирғочнинг қароғида чўғ, Болари гул қўрса дудоғида чўғ, Соғинган Маҳмуднинг сўроғида чўғ, Жисмида жон бўлиб елади баҳор, Наврўзни етаклаб келади баҳор.

Алжон АБДУРАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Маҳмуд ТОЙРОВ.

Ўн саккиз миң оламни яратган Танҳо Тангри одамзод дунёсига Хурмуз ва Аҳриман деган элчилар юборди. Бири Ёруғлик — Офтоб, иккинчиси қоронғулик — зулмат олиб келди.



ҚАЧОН

Уч миңг йил давомида Хурмуз бирла Аҳриман аҳил, тинч-тотув яшадилар. Ушанда кеча ва кундуз, осмон ва зулмат, зиё — нур ва сиё — қоронғу бир-бири ила алмашиниб турдилар...

Бироқ, бирдан, тўсатдан фалокату офат руй берди. Қоронғулик хуруж қилиб ёруғликни енгди. Зулмат ёруғликни қувлаб энди мен голиб деди. Оламдан ўчди зиё, еру осмон зим-зиё, на ўрмон қолди, на гиёҳ, қурдиди денгиз дарё, чўлу бибёзон бўлди дунё, чеки йўқ, теп-текисе музликмидур ё?

Хурмуз Аҳриманга йўлиқди. Яраш йўлини тутди. Билмай қолди, ким ютди? Бироқ кунини кутди. Ўн йил ўтди, юз йил ўтди, тагин юз йил ўтди. Учар эди миңг йиллар, қоронғу эрди диллар. Шу тариқа, шу зайл, на меҳнат бор, на сайл, ўтиб кетди уч миңг йил. Хурмуз сабринга қойил.

Сабр қилганга бахт мойил. Олам агар бўлсаям қоронғу ва муз, донишманд ва кутлуқ Хурмуз, топиб йўлу йўригин, асрар эди қўйнида тирикчилик уругин...

Ёруғлик тангриси Хурмуз муз тоғларин эритди. Еру заминга ҳаёт уруғларини экди. Башарни қайта тирилтирди. Башарга йўлдош ва дастёр деб Бақарни яратди. Бақар бирла Башарга ҳамроҳ шерик бўлин деб Оқ арслону қўнғир шерни яратди.

Башар ила Бақар ва паҳлавон Шер-арслон Хурмузга сарбозу навкар бўлди. Аҳриманнинг кунни тўлди. Буткул олам еру осмон жангу жадал оҳанги ила тўлди. Хурмуз билан Аҳриманнинг бир-бирига қарши юриши, ёруғлик дунёси ила қоронғулик дунёсининг уруши уч миңг йил давом этди. Охир-оқибат Аҳриман енгилди, қочиб Ер қўрига кириб кетди.

Бу осойишта-ю ораста доруломон замон, ловонма-довон, асрма-аср, жуда-жуда узоқ давом этди, яна уч миңгта давом этди.

Олам офтоб шуъласидан ярақлаб кетди, музликлар эриб, денгизу булоқларга

ТУҒИЛГАН У?

айланди, бепоён чўллар яйлов-ўтлоққа айланди. Осмон нурафшон, ҳоку тупроқ зар сочару зарафшон бўлди.

Тангри Таоло Гавмард деб аталмиш одамни яратди. Бу Башар ва Бақарнинг иккинчи номи бўлиб Гов — ҳўкиз, мард — одамдир. Говмардни ота-боболар Каомарс ҳам демишлар. Ва яна бировлар Жумард дерлар. Говмардан бирин-кетин кўпдан-кўп болалар туғилди, одам уруғи кўпайиб кетди, миңглардан ўтиб, миңгларга етди. Улар падарни бузрукворлари бўлиш Говмардини ўзларига бошқоқш, мангу йўлдош, ҳамдарду ҳамроҳ, подшо-ю паноҳ қилиб тандадилар, унинг зийрак эҳди, кенг фаҳму-заковатини англадилар.

Кўнлардан бир кун Говмард тонт маҳалда уйғониб, офтоб ерга яқинлашиб келганини кўрди, ақл-идрок кучи бирла ушбу ҳодиса мағзини сўрди. Еру осмон шуъла нур соғиб ярақлар, қор ва муз эриб, теварак-атрофга тарқар эди. Ушанда дарёлар пуриқор бўлди, бепоён чўлу саҳролар кум-қўқ майсалар билан тўлди.


Бундан қувонган Гавмард одамларни горлардан улкан майдонларга бошлаб чиқди, ёввойи ҳайвонларни тутиб, қўлга ўргатди. Одамлар молларни боқшини, ер ҳайлаб, экин экишни ўргандилар.

Бироқ Гавмард ҳамон ушал тонтгача кўрган ҳодиса устида бош қотирар, бетиним уйлар, билангонлардан сўрар эрди. Мубаллар дердилар билангонларни. Улар ила Гавмард машварат-кенгаш ўтказди.

«Сиз кўрган ҳодиса Янги кун туғилгани нишонасидур», дедилар мубаллар. Қуз ва қиш мавсуми ўтиб кетиб, қўқкам мавсуми бошланур. Янги йил бошланур, кўнгил ёнарду...

Уша даврдан Янги йил, Янги кун ҳисоби юргизилди, иди Наврўз туғилди.

Йўлдош МУҚИМОВ.



Пошон тошини, дара полтошни кўтарар...

НАВРЎЗ АЙЁМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР!

"ЎТ-банк" Ўзбекистон-Туркия қўшма банки жамоаси тобора яқинлашиб келаётган 1996 йил 21 март - Наврўз байрами муносабати билан бутун ўзбекистонликларни самимий муборакбод этади. Шарқ халқларининг йил ҳисоби бўйича ушбу кундан бошланадиган янги йилда уларга бахт-саодат, соғлиқ-саломатлик, ишларига ривож тилайди.

Баҳорий кайфият доимий ҳамроҳлари бўлсин!

Истикбол йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистон Республикаси қисқа фурсатлар ичида жаҳон ҳамжамиятидан мустақкам ўрин олди. Мамлакатда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида изчил амалга оширилаётган улкан ислохотлар ўзининг самарали натижасини бермоқда. Зотан, халқ билан ҳукумат ўртасида ягона маслак йўлида мустақкам ришталар қарор топгандагина ана шундай ютуқларга эришиш мумкин.

Ўтмиши, маданияти, тили, дини, тарихий келиб чиқиши ҳамда бошқа кўплаб сифатлари муштарак бўлган ўзбек ва турк халқлари бир-бирларига нисбатан чуқур самимият ва юксак эҳтиром билан муносабатда бўлишаётир. Улар Ўзбекистон ва Туркиянинг барча соҳаларидаги ҳамкорлик алоқаларини яқдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. Бугунги кунда Ўзбекистон ва Туркиянинг ўзаро тенг манфаатли ҳамда ишончли шерикчиликка асосланган ҳамкорликлари иккала мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларини қамраб олгандир.

"ЎТ-банк" - Ўзбекистон-Туркия қўшма банкининг ташкил этилиши ҳам ана шундай ҳамкорликнинг самараларидан биридир.

"ЎТ-банк" Ўзбекистон Республикаси акционерлик-тижорат деҳқончилик-саноат банки (ҳозирда "Пахтабанк") ҳамда Туркия Республикаси Зироат банки муассислигида тузилган бўлиб, унинг умумий сармояси 2 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

"ЎТ-банк" жаҳоннинг жуда кўп нуқталарида ўз ҳамкорларига эга.

"ЎТ-банк" халқ хўжалигининг барча тармоқларига банк хизмати кўрсатиш ваколатига эга. Ўзбекистонлик ва чет эллик мижозлар (ҳуқуқий шахслар ва фуқаролар) унинг хизматидан фойдаланишлари мумкин.

"ЎТ-банк" ўз мижозларига энг қулай ва тезкор хизмат кўрсатади.

Умуман, "ЎТ-банк"нинг фаолият доираси ранг-баранг ва кенг қамровлидир.

"ЎТ-банк" жамоаси Сизни ўз мижозлари сафида кўришдан бениҳоя мамнундир.

"ЎТ-банк"нинг эшиги Сизлар учун ҳамшиша очиқ!

Қўшимча маълумотларни банкнинг ўзидан олишингиз мумкин.

БАНК МАНЗИЛИ:

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-мавзе, 74-уй.

Телефонлар: (3712) 77-45-19, 77-59-67. Факс: (3712) 77-34-08. Телекс: 116623 УТВ.

ОЛТИНКУЛДА КАТТА ФУТБОЛ ШАБАДАЛАРИ ЭСМОҚДА

Қарор ва ижро

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципаларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг республикамизнинг кўпгина вилоятларида стадионларни қайта таъмирлаш, уларни жаҳон андозаларига мос келадиган тарзда келтириш ва янгиликларни бунёд этиш ишлари қизғин бошлаб юборилди.

Айни кунда мамлакатимизнинг 13 та стадионидан дренаж қилиш, янгидан чим қоплаш, автоматик иситиш ва сугориш мосламаларини ўрнатиш ишлари олиб борилади. Жумладан, пойтахтимиздаги «Пахтакор», Термиздаги «Алтомини» стадионларида майсани кўкартириш, янгидан чим барпо қилиш ишлари қолдики, у режа асосида олиб борилади.

Пойтахтимиздаги «Чорсу» меҳмонхонаси ёнида, Фарғонада, Наманганда, Бандхонда эса янги стадионларга асос солиняпти. Шунингдек, олтинкул курвучилар ҳам янги мавсумда футболчилар учун янги стадион ҳақида эътиш ниғтидалар.

— Аслида қурилиш ишлари 1995 йилда бошланган бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг қароридан сўнг бу ишлар янада жарадлантириб юборилди, — дейди Олтинкул тумани спорт кўмитаси раиси Ш. Тошма-тов. — Стадион Ўзбекистон V чемпионати бошлангунга қадар, аниқроғи Наврўз кунлари фойдаланишга топширилади.

Айни дамда бу ерда меҳмонлар, ҳакамларни қабул қилувчи хоналар, футболчиларнинг ечинни, ювинни хоналари

ва стадион маъмурияти жойлашадиган бино тумандаги 532 ПМК қурувчилари томонидан қуриб битказилди.

Туман газ, электр ташкилотлари ва алоқа бўлими стадионга газ, сув, электр, радио ва телефон тизимларини ўрнатишди. Стадион бу ташкилотлар томонидан юқори қувватли ёриткич мосламалари, чироқлар билан жиҳозланди. Марказий трибуналар эса 101 ПМК қурувчилари томонидан бунёд этилди. Стадион атрофини кўкаламзорлаштириш, гулзорлар барпо қилиш ишларини қишлоқ ҳўжалиги техника таъминоти тузатиш корхонаси ўз зиммасига олди. Хулласеканом бу хайрли ишда тумандаги барча қурилиш ташкилотларининг ҳиссаси бўлди.

Айни кунда стадион деярли тайёр ҳолатга келди. Фақат сўнгги пардозлаш ва турли хил рекламалар ўрнатиш, стадионга чирой бахш этадиган ишларни амалга оширишгина қолди. Олтинкулликлар стадионнинг Наврўз кунлари очи-лишини режалаштиришдан ва шунга ҳаракат қилишмоқда.

Олтинкул туман ҳўкимлиги «Олтин соҳиб» дам олиш

зонасида бунёд этилаётган шу стадионни барпо қилиш ишлари билангина чегараланиб қолгани йўқ. Вазирлар Маҳкамасининг 17 январдаги қароридан сўнг туман ҳўкимлиги ўзининг махсус иш дастурини ишлаб чиқди. Бу дастурдан тумандаги «1-май» жамоа ҳўжалигиндаги футбол майдонини 1000 ўринли стадионга айлантириш (1996-1997 йилларда), 27-ўрта мактаб майдонини қайта таъмирлаб, уни ҳам 1000 ўринли стадионга айлантириш, 22-ўрта мактаб футбол майдонини 90х60 кв метр ҳажмга келтириш ва бу ерда сугориш мосламасини ўрнатиш, шунингдек, 3, 6, 7, 8, 13, 26, 27, 40, 48-ўрта мактаблар футбол майдонларида чим қоплаш ишларини амалга ошириш каби кўплаб ишлар ўрин олган. Бу ишлар фақат 1996 йил давомидагина амалга оширилади.

Туман футбол федерацияси ва спорт кўмитаси зиммасига «Олтинкул» футбол клуби қо-шида «Футбол ишқибозлари», «Футбол гунчаси» клубларини ташкил этиш, футбол мактаби ўқув-спорт ишларини қуриб чиқиб, уни тубдан яхшилаш каби ўйлаб эгу ишлар юклатилган. Хуллас айни дамда туманда иш қизғин, олтинкулликлар Наврўз ва баҳор ҳаво-сига ҳамоҳанг катта футбол ишқиди, янгиликни озу-умидлари билан яшамоқдалар. Уларнинг озу-умидлари рўб-га чиқишига ишонамиз.

Ботир ҲАСАНОВ,
Расул ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗНИ КУТАМИЗ, АЗИЗ ГАЗЕТХОН!

Янги жамият қуриш мамлакатимизда ҳамма соҳалар, жумладан, журналистикада ҳам туб бурилишни тақозо этади. Бу борда «Халқ сўзи» жамоаси ҳам қатор режалар тузди. Аммо сиз азиз газетхонларнинг фикрию таклифлари ушбу режаларни янада тўлдиришга ишончимиз комил. Худди ана шу мақсадда сизлар билан кичик бир «сўров» ўтказишга жазм қилдик. Ўйлаймизки, унинг саволлари сизларни лоқайд қолдирмайди.

1. Сиз «Халқ сўзи»ни қачондан буйи ўқийсиз? Унга обунамисиз ёки киоскадан сотиб оласизми?

2. Газетада чоп этилаётган қайси мақолалар сизга маъқул ва нимаси билан?

3. Мақолаларнинг мазмуни, услуби, савияси ҳақидаги фикрингиз.

4. Газета орқали машҳур кишиларнинг қайсилари билан учрашишни хоҳлайсиз?

5. Сизнингча, қайси мавзулар редакция диққат марка-зидан четда қолаётми?

6. Газетанинг савиясини янада кўтариш учун нималар га эътибор бериш керак, деб ўйлайсиз?

7. Қайси мавзулар ўқувчиларни кўпроқ қизиқтиради деб ҳисоблайсиз?

Хатларингизни кутамиз. Улар, албатта, газе-тани янада мазмунли, ранг-баранг, қизиқарли бўлишига ёрдамлашади, деб умид қиламиз.



Sovplastital
СОВПЛАСТИТАЛ

Республика вилоятлари
маъмуриятлари бошлиқлари
ДИҚҚАТИГА!

"Совпластитал" ўзбек-итальян қўшма корхонаси Наврўз байрами яқинлашаётгани муносабати билан векселларда сотиб олиш учун қуйидаги маҳсулотларини тавсия этади:

- сунъий гуллар ва улардан ясалган композициялар;
- сунъий дарахлар ва бансай;
- чинни буюмлар;
- жўн тақинчоқлар;
- соатлар, расмлар, кўзгулар;
- ошхона буюмлари тўплами;
- ванна учун тўпламлар;
- ўйинчоқлар;
- эсдалик совгалари, совга тўпламлари;
- ҳўжалик ва маданий-рўзгор буюмлари;
- қаҳвахона, ресторан ва дала ҳовлилар учун мебеллар тўплами.

Бизнинг манзил:

700185, Тошкент,

Халқлар дўстлиги шоҳқўчаси, 29-а.

(метронинг С. Раҳимов бекати)

Тел.: (3712) 76-16-23, 76-76-98.

Факс: (3712) 76-83-10.

"ВЕНУС АМЕРИКЭН" ЛТД ҚЎШМА КОРХОНАСИ

БУШУН ЎЗБЕК ХАЛҚИНИ БАҲОР БАЙРАМИ -
НАВРЎЗ БИЛАН ШАБРИКЛАШ ШАРАФИГА
МУЯССАР ЭЖАНЛИГИДАН МАМНУНДИР!

Қут - барака, ризқ-рўз, яшарши байрами Наврўз мустақил Ўзбекистон диёрида бешинчи бор ташириф буюраётир. Табиатнинг кўкламги яшарши даврида кўҳна ўзбек тупроғида юз бераётган янгиликни жараёни кўзга яққол ташланмоқда. Демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлида дадил олға бориб, сиёсий тизим ислоҳ қилинмоқда, иқтисодиёт бозор муносабатлари йўлига изчил ўтказилмоқда, жамиятда ижтимоий адолат ғоялари мустаҳкам қарор топмоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори ва салоҳияти, унинг Осиё минтақасида барқарорликни янада мустаҳкамлашга қўшаётган ҳиссаси кун сайин ортиб бормоқда.

Наврўз байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига танлаган йўлида янги-янги муваффақиятлар тилаймиз. Ҳар бир хонадондан меҳру оқибат, бахту саодат ва тинчлик - тотувлик асло аримасин.

"Венус Америкэн" ЛТД
АҚШ-Ўзбекистон қўшма корхонаси
ходимлари номидан

Бош директор: Мохаммад Али Сурхаби.



ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖўРАБОВЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;
Қишлоқ ҳўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Тунги муҳарририят 33-10-28.
Эълонлар 36-09-25.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — О.Раҳимов.
Навбатчи — В. Остонақулов.